

МУСТАҚИЛЛИК **ХУҚУҚ** ДЕМАҚДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Президент Ислам Каримов пойтахтимизнинг Хотира майдонидаги байрам тантаналарида.

БУ ОЛАМДА БИР ОЛАМ ГАП

► Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Германияда чоп этиладиган «Fox» журналига берган интервьюсида С.Милошевич Рамбуйе шартномасига ҳамон рози бўлмас экан, иттифоқчилар ҳарбий ҳаракатларни янада кучайтиришини таъкидлаган.

► Италия президенти А.Скалфоро журналистлар билан бўлган учрашувда НАТО тобора тинч аҳолининг қурбон бўлишига олиб келаётган ҳово ҳужумларини зудлик билан тўхтатиш лозимлигини билдирган.

► АҚШ президенти Билл Клинтон Хитой ҳукумати раҳбарияти номига мактуб йўллаб, Қўшма Штатлар учувчиларининг хатоси билан Белграддаги Хитой элчионасига ракетадан зарба урилиши оқибатида уч нафар хитойлик дипломатнинг ҳалок бўлганлиги учун ўз сўраб, бу фажеадан чўқур қайғуда эканлигини маълум қилган.

► Чечняда президент Аслан Масхадов раҳбарлигида республиканинг янги Конституция лойиҳаси ниҳоясига етказилди. Асосий қонунга Қуръон ва сунна кўрсатмалари, шунингдек, чечен урф-одатлари асос қилиб олинди.

Конституция «Меҳкан низом» (мамлакат қонуни) деб номланган. Давлат бошлиғи эса «меҳка» (миллат отаси, мамлакат ҳужайини) деб аталади.

Мазкур лойиҳа Миср, Покистон, Эрон ва Сурия давлатларининг конституциялари асосида тайёрланган.

«СЕН ДОИМО ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ»

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Фармониغا кўра, иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлган, юртимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган барча фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам эл-юртимиз обрўйини юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни ҳурматлаш мақсадида бу йил республикада 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланди. Бу - Йўлбошчимизнинг нафакат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида туриб фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонларимизга гамхўрлик ва иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган фахрийларимизни ардоқлаш борасидаги хайрли ишларнинг яна бир намунасидир.

Президентимизнинг Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармонининг эълон этилиши ҳам мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри марказида Хотира майдони барпо этилди. Халқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чўқур ҳурматни ўзида мужассам этган бу майдон миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган бўлиб, ҳақиқий зиёратгоҳга айланди.

9 май куни мамлакатимиз пойтахтидаги Хотира майдонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан уруш ва меҳнат фахрийлари, вазирликлар, давлат ва жамоат

(Давоми 2-бетда).

• Республика прокуратурасида

МАЪНАВИЯТНИНГ ОЛТИН УСТУНЛАРИ

Хотира ва қадрлаш туйғуси - нон, сув, ҳаво каби муқаддас ва муқаррам. Зотан, миллатнинг, инсоннинг абадийлиги, буюклиги уларда мужассам. Шундан-да, Ўзбекистон Президентининг Фармони билан мамлакатимизда 9 май илк марта Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланди. Бу санани умумхалқ байрами сифатида нишонлашни таъминлаш чиндан ҳам ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир фуқаронинг виждон ишига айланди. Байрам арафасида қаерда бўлмайлик, қайси тadbирда иштирок этмайлик, бундай инсонпарварлик, меҳр-муҳаббатнинг гувоҳи бўлдик.

Республика прокуратураси ҳовлиси 8 май куни узок йиллар прокуратура тизимида меҳнат қилиб, эндиликда қариллик гаштини сураётган табаррук отахон ва онахонлар билан ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Алоҳида таъкидлаш кераки, 1941-1945 йилларда урушда ва фронт ортида буюк ғалабага ҳисса қўшган, Ватанимиз мустақиллиги йўлида бутун умрини, куч-ни алоҳида таъкидлади. Зеро, ўтмишда ота-боболаримизнинг кўрсатган жасоратлари бугунги ва келажак авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди. Уларнинг мардлиги, матонати тарих саҳифаларида, халқимиз хотирасида мангу қолажак ва қадрланажак.

Байрам кўп йиллар прокуратура тизимида ишлаган устозлар билан ўлар шоғирд-



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Усмон Худойқулов уруш ва меҳнат фахрийларини қутламоқда.

А.МАМАТКУЛОВ сурати.

гайратини бахшида этган ҳар бир фахрий отахон ва онахонларимизга чўқур иззат-икром кўрсатилди.

Республика Бош прокурори, 2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси У.Худойқулов Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимни очиб, барча йиғилганларни қутлуғ сана билан қутлар экан, бу тadbирнинг юксак ахлоқий-маънавий, тарбиявий аҳамияти-

ларининг дийдор онларига бой бўлди. Ҳаяжонли учрашувлар дилларни энтиктириб юборди. Гоят завқли манзара: Р.Мухаммедов, Ҳ.Отақузиёв, Т.Тожимуҳамедов, Т.Воробьева, Т.Габидуллина, Н.Кузнецов каби прокуратура фахрийларини шоғирдлари билан ёнма-ён кўриш, уларнинг бир-бирига қучоқ очиб пешвоз

(Давоми 2-бетда).

22 - ТЕКШИРУВ

Биз қонун ва ҳақиқат тарафдоримиз. Адолатни тиклаш касбимиз тақозоси. Аммо...

3 бет

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ

1999 йил - Аёллар йили муносабати билан янги саҳифа.

4-5 бетлар

ЁШИ БИР ЖОЙГА ЕТГАНДА...

59 ёшли тadbиркор нега жазога тортилди?

6 бет

Келгуси сонда:

ИЛОН ЎЙИНИ

Фаргона вилоят прокурорининг ўринбосари Ю.Абдуллаевнинг ҳужжатли қиссасидан парча.

«СЕН ДОИМО ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ»

(Бошланғичи 1-бегла).

ташкilotлари вакиллари тўпланди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маросимда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари жанг майдонида ва меҳнат жабҳасида жасорат кўрсатган халқимизни Хотира ва Қадрлаш куни билан чин қалбдан табриқлади. Йўлбашчимиз ўтганларни ёдга олиш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш халқимизга хос азалий фазилат эканлигини таъкидлади. Бу қўлтуғ санада асрлар давомида хуррият ва озодлик йўлида жонини фидо айлаган халқ қаҳрамонларини, миллатимиз фидойиларини эслаш ҳам қарз, ҳам фарздир, деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов Мотамсаро она хайкали пойига анвойи гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари қурбон бўлган эл-юрт ўғлонлари номлари ёзилган лавҳаларни кўздан кечирди, фахрийлар билан сўхбатлашди.

Тантанали маросимда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари иштирок этди.

Шу куни кеч соат 21 да Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан артиллерия тўпларидан 21 марта ўқ узилиб, байрам салюти берилди ва мушакбозлик ўтказилди.

(ЎзА).



Суратда: Республика прокуратурасининг жашоатларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғининг муовини В.Азари (ўртада) бошқарма ходимлари билан навбатдаги ишларни режалаштирляпти.

А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

• Кадрлар маънавияти хусусида

- Орифжон ака, ислохотларнинг самараси кўп жаҳатдан кадрларга, уларнинг малакаси ва билимига, виждонан ишлаганга боғлиқ. Буни бугунги тажриба яққол кўрсатиб турибди. Бу борада прокуратурада аҳвол қандай?

- Республикада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда. Бу ўз-ўзидан кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва уларнинг салоҳиятини қайта ташкил этишни тақозо этиши табиий.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, хусусан, прокуратура тизими ходимларига талаб жуда кучайтирилди. Республика Бош прокурорининг 1998 йил 20 мартдаги 10-сонли буйруғи билан «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳузурда ва кўйи прокуратураларда махсус инспекциялар, прокурор-тергов ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Бу мисдаъри ҳужжат ходимларнинг малакасини ошириш, уларнинг салоҳиятини янада

ПРОКУРОРНИНГ НИГОҲИ ЎТКИР, СЎЗИ ҚАТЪИЙ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Хоразм вилояти прокурори ўринбосари О.Ҳайтбоев билан сўхбат.

яхшилаш учун ўлчов мезони бўлди, десак янгилашмаймиз.

Бизнинг соҳада кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда биринчи навбатда, уларнинг билими ва тажрибасига, одамларнинг дардига қулоқ солишига алоҳида эътибор берилмоқда.

- Республика прокуратураси томонидан ўтказилган аттестация натижасига кўра вилоят бўйича 4 та туман прокурори лавозимидан озод этилди, шу жумладан, 1 та прокурор махсус унвонларидан маҳрум қилиниб, умуман прокуратура тизимидан бўшатилди.

Буни жуда қаттиқ чара деб ўйлайсизми?

- Ўтказилган аттестация натижаси биз учун катта сабақ



Дийдорланув.

А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

(Бошланғичи 1-бегла).

чиқиши ҳар қандай юракни тўлқинлантириб юборди. Республика прокуратураси раҳбариятининг ҳар бир фахрийга кўрсатган чўқур эҳтиром ва ҳурмати айтмайсизми! Бош прокурор ўз табриқ сўзида айтган қўйидаги гаплар барча фахрийларнинг руҳини, кайфиятини кўтариб юборди:

- Азиз фахрийларимиз, устозлар, - деди у табриқ ниҳоясида. - Бош прокурор сифатида ваъда бериб айтаманки, Сизлар ҳақингизда гомхўрлик қилиш, Сизларни қадрлаш ҳар доим диққат-эътиборимизда бўлади...

Республика прокуратурасида бўлиб ўтган байрам тадбирида сўзга чиққан фахрийлар ўзларига кўрсатилган чексиз

МАЪНАВИЯТНИНГ ОЛТИН УСТУНЛАРИ

меҳр-муҳаббат ва эҳтиром учун Президентимизга, халқимизга ва прокуратура меҳнат жамоаларига чўқур миннатдорчилик изҳор этдилар.

Тадбирларда фахрийларимизга моддий ёрдам кўрсатилди, соғва-саломлар улашилди. Халқимизнинг сеvimли санъаткорлари уларнинг хизматида бўлишди.

Тошкент вилоят прокуратурасида уруш ва меҳнат фахрийларини байрам билан қўллаш тантанаси ҳам чинакам эсда қоларли вақеа бўлди. Респуб-

лика Бош прокурорининг ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Б. Бекмирзаев тантангага тақлиф этилган барча уруш ва меҳнат фахрийларига Бош прокурорнинг табригини етказар экан, бир нарсага алоҳида урғу берди:

- Бугун бирорта ҳам фахриймиз бизнинг эътиборимиздан четда қолмайди. - Ушбу тадбиримизда иштирок этолмаган уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаб бориб, байрам билан табриқлашни, кўнгилларини шод этишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб биламиз...

Шундай қилинди ҳам. Тантана тантаналарга ула-ниб кетди.

9 май Хотира ва Қадрлаш

куни сифатида ҳаётимизга янги мазмун олиб кирди. Ҳар бири-ми бу сўзларнинг ғоят чўқур маъносини теран англадик. Бу сана давлатимиз юриётган доно сиёсат тимсоли сифатида халқимизнинг хотирасига мангу муҳрланиб қолажаклигига асло шубҳа йўқ. Зотан, Хотира ва Қадрлаш инсон қомиллик мактабининг ёрқин йўли, халқимиз миллий маънавиятининг олтин устунларидир. Буюқ миллат келажаги ана шу устунлар узра қод кўтараяжак.

Б. НАЗАРОВ.

• Тадбир

ФАЙЛАСУФЛАР ЗИЁРАТДА

Кейинги йилларда Республика Фалсафа жамияти томонидан хайрли тадбирлар ўтказиш аънамага айлиниб бормоқда. 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Фалсафа жамияти-ва ТошДУ-фалсафа кафедрасининг бир гуруҳ аъзолари жамиятимиз тараққиётига, юртимиз обрўйини юксалтиришга катта ҳисса қўшган ва қўшаётган файласуф олимлар зиёратиди бўлдилар. Зиёратчилар марҳум файласуф олимлар Ш. Рашидов, И. Мўминов, В. Зоҳидов, К. Содиқов, Х. Расулов, Республика Фанлар Академияси муҳбир аъзоси Х. Пўлатов, К. Маҳмудов, О. Умирзоқова ва халқимизнинг яна бир қанча ардоқли фарзандлари қабрларини зиёрат қилдилар. Улар хотирасига илиқ сўзлар айтилди.

Маълумки, Хотира ва Қадрлаш куни марҳумлар хотирасини абадийлаштириш, шунинг билан бирга бугун ҳам эл-юртимиз обрўйини кўтариш, ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни ҳурматлаш мақсадида биринчи марта республикамизда кенг нишонланди. Шу маънода файласуфларимиз бир гуруҳ фахрий файласуф олимларнинг хондонларига ташири буюрдилар ва улар зиёратиди бўлдилар.

Ш. ЁДГОРОВ.

Сўхбатдош А.ОРТИҚБОЕВ, «Хуқуқ» муҳбири.

«ЎҚУҚ»

хат-мутобицадан

Хатлар, жавоблар ва савоблар

Мададталаб мактуб

САРСОН-САРГАРДОНМАН

Мен Алимов Иброҳим, 1993 йилдан бери умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногирониман ва шу билан бирга якка-ёғиз пенсионерман. Ўзим ўқитувчиман.

Ногиронлик пенсиясига чиққанымдан сўнг Асака тумани ижтимоий таъминот бўлимига Республика Президентининг 1991 йил 27 май кунги Фармони асосан, mening шароитимни ҳам инобатга олишларини сўраб, бир неча бор муурожаат этдим. Лекин улар ханузгача мени сарсон-саргардон қилиб юрибдилар.

Туман ижтимоий таъминот бўлими мудири А.Жуманов олаётган пенсиянгиз 7590 сўм бўлганлиги учун Президент Фармонининг бепул азиқ-овқат олиш тўғрисидаги қисми сизга тегишли эмас, деб жавоб қайтарди. Ижтимоий таъминот вазирлигига ушбу масала юзасидан хат ёздим.

Вазирликдан «Сизнинг ишингиз ижобий ҳал этилди», деган мазмунда жавоб олдим. Шундан кейин ўртоқ А.Жуманов мени электр энергияси, газ, транспорт тўловларидан озод қилибди, кейин Ҳамроқулов Мусо деган киши менга бириктирилибди. Аммо у кишини ҳали бирон марта кўрганам йўқ ва жамоат транспорти бўйича имтиёзн хеч қайси автобус тан олмапти.

Менинг қанд касаллигим бор. Хар олти ойда шу касаллик бўйича довланиб чиқишим, шунингдек, дори-дармонларни текин олишим керак. 1998 йил ноябрь ойдан бери дорихонадан қанд микдорини пасаитирувчи бирон бир дори ололмадим. Сабаби, 1998 йил давомида 30 минг сўмдан орტიқ дори-дармон олган эмишман. Аслида эса, йил давомида умуман хеч қандай дори олмаганим йўқ. Бундан ташқари мени юрак, жигар, марказий нерв системаси, ўпка йиринги каби касалликлар ҳам четлаб ўтмаган. Олаётган пенсиям эса шуларнинг барчасига етмапти.

Асака туман ҳокими муовини Р.Йўлдашев ва туман ижтимоий таъминот бўлими мудири А.Жуманов моддий аҳолим, ҳаётим ҳақида хеч қандай тасаввурга эга бўлмаган маҳалламиздаги айрим «оқсоқоллар» орқали сўраб-суриштириш билан оворам.

Шунчалик экан, нима учун уларнинг ўзлари ёки вақил орқали уйимга келиш шароитини ўрганмайдилар, мутахассис врачлар билан маслаҳатлашиб кўрмайдилар?

Мен бир нарсига ҳайрон қоламан. Нима, айрим маҳаллий мансабдор шахслар Президент Фармонининг қайси қисми кимга тегишли ёки қайси қисми тегишли эмаслигини ўзлари хал этмадиларми?

Иброҳим АЛИМОВ,
II гуруҳ ногирони.

Кейинги пайтда тахририятимизга келаётган хатлар сони ортмоқда. Биз ранг-баранг мавзуларда битилган бундай мактублардан имкони борича фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Хатларни мавзусига қараб саралаш, ҳисобга олиш шунини кўрсатмоқдаки, уларнинг қарийб 70-80 фоизини шикоят-аризалар ташкил этмоқда. Бу - бир томондан фуқароларнинг «Ўқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журналинга ишончи тобора ортиб бораётганидан, иккинчи томондан, уларда ўз қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўникаси шаклланиб бораётганидан далолат беради. Шунини айтиш керакки, аксарият муурожаатларда фуқаролар ўз қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари бузилаётганидан шикоят қилиб, адолатни тиклашда тахририятдан ёрдам беришни сўраганлар.

Тахририят бундай мазмундаги ёзма муурожаатларни ҳал этишда икки йўлдан бормоқда. Биринчи - зарур ҳолларда журналист текшируви ўтказилмоқда, иккинчи - шикоят хатлари бевосита жойлардаги тегишли прокуратура идоралари билан яқин ҳамкорликда текширилиб, натижалари газета саҳифаларида эълон қилиб берилмоқда. Бундай шикоятларни ўрганиб чиқиб ҳал этишда қимматли вақтнинг ва ёрдамни аямаётган барча прокуратура идоралари раҳбарларига миннатдорчилик билдирамиз.

Энди хатлар асосида ўтказилган сўнгги текширув натижаларига тўхталиб ўтсак.

22-ТЕКШИРУВ

Ангрэн шаҳри ГРЭС кўрғонида яшовчи Қизилгул Ҳолбоева тахририятимизга шикоят хати йўллаб, фуқаролик ишнинг қонуний ҳал этишда ёрдам сўраган эди. Шикоят мазмунига қараганда, Қ.Ҳолбоева 1997 йилда эри Йўлдаш Ҳолбоев билан ўрталаридаги қонуний никоҳ бекор қилинган, уч нафар балоғатга етмаган болаларини олиб, уйдан чиқиб кетди. Кўп ўтмай, уй ва қорамолларни бўлиш ҳақида Ангрэн шаҳар судига даъво аризаси топширади. Унинг аризаси 1998 йил 30 апрелда Ангрэн шаҳар судига кўриб чиқилган ва суднинг ҳал қилув қарори билан Қ.Ҳолбоеванинг даъвоси рад этилган.

«Уйимизни қуришдан олдин шаҳар ижрокўмининг қарорини олмаганлигимиз учун уй бўлиб берилмас экан, - деб ёзди Қ.Ҳолбоева ўз хатига. - Қонун шундай экан, бунга розиман. Лекин суд адолатсизлик қилиб, мени қорамолларнинг пулини олган деб қарор чиқариб, даъвомни рад этди. Бундан ташқари, 10000 сўм давлат божи ундириш ҳақида қарор чиқариб, бу пулни мендан тўлатиб олди. Ноҳақ қарор учун пул тўлаш кишига алам қилади. Ваҳоланки, эримнинг ўзи судда мендан кейин қорамолларни кейинги дель билан сотиб, уйига мебель олганини, ҳозир бошқа қорамолларни йўқлигини, менга битта сигирнинг пулини берганини айтиди. Суднинг қарорига гувоҳлик ва жавобгарнинг суд жараёнида берган кўрсатмалари ўзгартирилиб, суд мажлиси баённомаси эримнинг фойдасига қалбақлаштирилган... Шу сабабли мен суд собиқ эрим томонидан манфаатдор қилинган ва суд қарорини унинг фойдасига ҳал қилиб берган, деб биламан...»

ка прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари курилишида прокурор воқолатини таъминлаш бўлими бошлиғи И.Жасимов имзоси билан олинган жавоб хатида ёзилишича, фуқаро Қ.Ҳолбоеванинг аризасида келтирилган вазирлик текшириш натижасига асосан таъкидланган бундай раҳбар ходимлар ҳали учраб турибди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, баъзи шикоятлар бевосита журналист текшируви орқали ё ечимини топмоқда. Жумладан, Термиз тумани «Дори-дармон» хиссадорлик жамиятига қарошли дорихона ходимаси Кумуш Эрмуродова тахририятга шикоят хати йўллаб, давлат қонунарида кўрсатилган болалар нафақа пулларини олишда

ёрдэм сўраган эди. Бош муҳаррир топшириғига кўра, журналист текшируви ўтказган Сурхондарё вилояти бўйича муҳбиримиз Қурбон Жўраназаров кўйидагиларни маълум қилди:

«Қ.Эрмуродованин шикоят хати юзасидан олиб борилган текширув чоғида ҳақиқатан ҳам Термиз тумани «Дори-дармон» хиссадорлик жамияти томонидан Эрмуродовога фарзандлари Шоира ва Бахтиёрга қараб тургани учун 1997 йил хисобидан 7650 сўм, 1998 йилда эса 16650 сўм нафақа пули тўланмаганлиги аниқланди. Бизнинг ағралувишимиз билан муаллиф талаби қонуний ҳал этилиб, ташкилотдан Эрмуродовога 24300 сўм нафақа пули ундириб берилди.»

Қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинган фуқароларимизнинг миннатдорчилик билдиришлари биз, журналистлар руҳини кўтарди, албатта. Лекин масаланинг бошқа бир томони кишини ўйлантиради. Агар юқоридаги ҳолатда хиссадорлик жамияти мутасаддилари қонунга, фуқароларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан қараганларида, бир онахон оворам сарсон бўлиб, тахририятга муурожаат қилмас эди. Афсуски, Президент фармонлари, ҳуқуқимиз қарорлари ва қонунарни назарга олганда қилмаётган бундай раҳбар ходимлар ҳали учраб турибди.

Тахририятга келаётган хатлар орасида ўз тасдиғини топмаган шикоят-аризалар ҳам бор. Бундай муурожаатлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимизга тўғри келади.

Прокуратура идоралари ҳам, тахририят ҳам фуқароларнинг бирорта муурожаатини эътиборсиз қолдирмай, ишни қонуний ҳал этиш йўлини тутмоқда. Бирок, баъзи фуқаролар «ўйнаб ёзсанг ҳам ўйлаб чиз» нақлини унутиб қўйишарми, агар тахририят ходимлари ҳар бир шикоятни синчиклаб ўрганиш учун қанчалар меҳнат, вақт ва ҳаражат сарф қилишларини инобатга оладиган бўлсак, тасдиқланмаган аризалар нечоғлиқ зиён келтиришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Биз - ҳақиқат ва қонун тарафдоримиз. Қонун бузилса, кимнингдир ҳуқуқлари бузилса, «менга нима» қабилида иш туттишга маънавий ҳаққимиз йўқ. Адолатни тиклаш касбимиз тақозоси. Оқини қора, қорани оқ қилиб кўрсатиб битилган шикоятлар, аризаларни текширишда ҳам ҳолис мавқеда туриб, адолат билан иш кўриш - энг муҳим бурчимиз. Ҳамма жойда қонун устиворлиги учун саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётган бир пайтда биз журналистлар ҳам ўз ўрнимизни ана шу маррада, деб биламиз.

Тахририят.

«Ўқуқ»дан сўрабсиз...

1996 йилдан буён I гуруҳ ногирониман, турмуш ўртоғим ҳам ногирон, ҳар иккалаимиз умумий касаллик бўйича ногиронимиз. Уч нафар нояга етмаган фарзандимиз бор. Бизга қандай имтиёзлар бор?

Бадальбоев Ортакали,
Андижон вилояти,
Бўз тумани.

Умумий касаллик бўйича ногиронлар ер солиғи тўлашдан озод этиладилар, жамоат транспортларида йўл ҳақини 50 фоиз миқдорда тўлайдилар. Бундан ташқари, фарзандлари 16 ёшга тўлмаган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 140 фоизи миқдорда нафақа олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадилар.

Мен 1999 йил 7 апрел кунин «Уйшун» қишлоқ фуқаролар йўлчилиги фарзандимиз учун нафақа тўлашларини сўраб муурожаат этган эдим. Фуқаролар йўлчилиги бу нафақа мени олган бош-лаб тўлангани, дейишди. Март, апрел ойлари учун тўланмайдими?

Уринов Маҳмадмин,
Қашқадарё вилояти, Чирочик
тумани, Чилжуват қишлоғи.

Бола 2 ёшга тўлганга қадар тўланадиган нафақа, уни таъинлашни сўраб муурожаат этган вақтдан бошлаб таъинланади ва тўланади.

Уч ёшгача бўлган болани асраб олган аёлларга иш вақтинини қисқартирилган муддати қўллашларими?

С.Сотиволдиева,
Наманган вилояти.

Агар сиз ишлаётган ташкилот ёки муассаса молиявий жиҳатдан давлат бюджетини ҳисобидан бўлса, иш вақтининг қисқартирилган муддати қўлланади.

Жавобларни ҳуқуқшунос Д.ХАЛИЛОВ тайёрлади.

• Сулола

Хоразм воҳасида бир касбни авлоддан-авлодга давом эттириб келаётган сулолалар талайгина. Кулоллар, темирчилар, қандолатчилар... улар орасида эл посбонлари - милиция ходимлари ҳам бор.

«ЗАВҚЛИ ОНЛАРИ
АНЧАГИНА...»

Сайёра Оллаберганова аёл боши билан ана шундай машаққатли касбни танлаб, оила аъносини давом эттиришга қорор қилганида, уни яқин қариндошлари, дўст-биродорлари тўғри тушунишди. Бу орзу уни Ҳоразм шаҳар автомобиль йўллари техникумига етاکлади. Ўқишни тугатиб, 1992 йили шаҳар ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинимасига назир бўлиб ишга келганидан буён анча сувлар оқиб ўтди.

Сайёранинг касб маҳорати ошишида милиция идораларида 30 йилдан ортқ ишлаган отаси Ражаббой Оллаберганоунинг, Ҳоразм аэропортидаги транспорт милицияси бўлинимасида ишлаган, 25 йиллик меҳнат тажрибасига эга онаси Бикажон Оллаберганоунинг, вилоят ички ишлар бошқармасида шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўлими бошлиғи ёрдамчиси бўлиб ишлаётган акаси, милиция майори Одибейнинг хизмати катта, албатта.

Ота-онасидан тиришқоқликни, эчкилик ва касб сир-асрорларини кунт билан ўрганган Сайёра доимо изланишда, ўз билиминини оширишдан толмайди. Ҳозирги кунда у Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида тахсил олиб, назорий билимларини тажриба билан қўшиб олиб бормоқда.

Милицияда ишлаш аёл киши учун мураккаб деб бўлиб кўринсада, - дейди Сайёра ўз касбидан гурунлашиб, - унинг завқли онлари анчагина. Бировнинг бошига ташвиш тушганда унга елка тўтиб, далда бериш, ёрдам қўлини чўзишдан ҳам ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Эл посбондек шарафли касбдаги кишилар ўз устидаги либоси - мундир шарафига, кўнгил софлиги учун тиришмоғи керак.

А. ОРТИҚБОЕВ.

Суратда: Милиция катта лейтенанти С.Оллаберганова (унгда) вилоят ички ишлар бошқармаси котибхона ходими Ш.Азимова билан. Саъдулла БОБО Олган сурат.

• Бизнинг суҳбат

МАҲАЛЛАНING ОНАСИ

- Дилором опа, бугунги кунда маҳаллаларнинг салмоғи, аҳамияти, нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг айнан маҳаллалар тўғрисида қабул қилаётган қатор фармон ва қарорлари бунинг яққол далилидир. Айни пайтда, улар сиз каби маҳалла фаолларининг зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Шундай эмасми?..

- Аввало, ҳукуматимизнинг маҳаллаларимизга нисбатан қилаётган бундай ғамҳўрликларни беҳиз эмас. Чунки, маҳалла ватанинг ичидоғи мўъжизагина ватандир. Таъбир жоиз бўлса, инсондаги борча яхши-ёмон хусусиятлар, аввало ана шу мўъжизагина ватандо шаклланади. Нега «яхши-ёмон» дедим. Чунки, маҳалла биринчи навбатда тарбия учунги ҳисобланади. Оиланинг рисолагойдек бўлиши, эр-хотиннинг тинч-тотув, пиру бадавлат, ували-жували бўлиб юришида кўни-кўшиларнинг,

Кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан кейинги бирлиги - бу маҳалладир. Маҳаллани таъбир жоиз бўлса, бир оила дейиш мумкин. Табиийки, ҳар бир оиланинг ўзига яраша ташвиши, муаммоси бўлади. Бу муаммолар ўз навбатида оила бошлиғининг нечоғлик билимдон, қатъиятлиликка қараб бартаараф этилади. Бугун ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг аҳамияти, афзалликлари тўғрисида ҳар қанча ижобий сўзларни айтсак арзийди. Бирок маҳаллаларимизнинг бугунги кунги, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида айни шу нуктада фаолият кўрсатаётган фидоий инсонларнинг ўзларидан эшитсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бугунги суҳбатдошимиз пойтахтимизнинг Сирғали туманида жойлашган «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Дилором опа Бекназаровадир.

маҳалла-кўйнинг таъсири кучлидир.

Юртбошимизнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириш юзасидан чиқорган бир қатор фармонлар маҳаллаларнинг бундан кейинги фаолиятини белгилаб берди. Унинг зиммасига замона талабларидан келиб чиқиб, янги вазифалар юклади, маҳалла маколмини ҳар қачонгидан оширди. Назаримда, эндиликда илгор фикрли кишилар бошчилиги

қилаётган маҳаллалардаги жамоатчилик фикри муайян маънавий куч бўлиб қолди.

- Тўғри, сиз таъкидлагандек, уш шилор фикри, жоизсиз жамоатчилар бошқарётган маҳаллаларда бугунги кунда таълим-тарбия, маънавият каби муҳим тушунчаларга катта эътибор берилмоқда. Аммо, баъзан маҳалла кўмиталарининг фаолияти кам таъминланган оилаларга нафақа

(Лавони 5-бетда).

Аёллар Ҳуқуқи

МЯХСУС САҲИФА

• Аёл ва жамият

Мана, ҳукуматимиз томонидан эълон қилинган «Аёллар йили» нинг ҳам деярли ярми ўтди. Шу давр мобайнида республика хотин-қизлари манфаати учун қандай ишлар қилинди? Яна қандай тадбирларни амалга ошириш лозим? Мухбиримиз шу саволлар доирасида Республика хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Саёҳатхон ИБРОҲИМОВА билан суҳбатлади.

- Дунёни гўзаллик кутқаради, дейди доншмандлардан бири. Дарҳақиқат, изгаридан аёллар гўзаллик рамзи деб аталиб келинган. Ана шу дунёни кутқарувчи ўзбек аёлларини бугунги кунда қўйлаб турган долзарб муаммолар нималардан иборат?

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқида «Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиз, десак мулолага бўлмайди, шунинг учун ҳам, аввало, аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастур талабларини оғишмай, изчил амалга ошириш, айниқса, уларнинг меҳнатини энгилаштириш, турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак», деб таъкидлаган эдилар.

Ҳозирги кунда хотин-қизларимиз олдида ечимини топиши зарур бўлган талайгина муаммолар мавжуд. Уларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, маънавиятини кўтариш, хотин-қизларнинг, айниқса, кишлоқ аёлларининг турмуш шароитини яхшилашнинг самарали йўллари топиш ва уни амалга ошириш зарур.

Хотин-қизлар кўмиталаримиз аёлларни, айниқса, кишлоқ

жойларида истикомат қилувчи хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиб, иқтисодий юксалишларига, кишлоқда кичик бизнесни ривожлантиришларига ҳисса қўшиш, давлатимиз томонидан оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб



ИМКОНИЯТ ВА

борилаётган ислохотларнинг хотин-қизларнинг барча қатламлариغا етиб боришини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавиятини кўтаришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйишни энг асосий вазифаларидан бири деб белгиланган.

- «Аёллар йили» муносабати билан республикаимиз хотин-қизларига кўнгина имтиёзлар берилди. Ана шу имтиёзларни кенгроқ шарҳлаб берсангиз. Яна қандай имтиёзлар берилиши лозим, деб ҳисоблайсиз?

- 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳукуматимиз томонидан махсус давлат Дастурини ишлаб чиқиши ва амалга оширилишининг ўзини хотин-қизларимизга берилган катта имконият ва имтиёз деб биламан. Чунки, ушбу дастурда оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролинини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган. Агар дастурнинг мақсади ва вазифасини янада чуқурроқ таҳлил қилиб, аёлларга берилган имтиёزلарга тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни айтиш жоиздир:

- меҳнат шароитлари алоҳида зарарли ва оғир айрим турлардаги ишларда банд бўлган аёллар учун қўшимча имтиёзлар бериш;

- 3 ёшгача болалари бўлган, бюджет ташкилотларида ишлайдиган аёлларга иш ҳақи соқланган ҳолда 1 соат қисқартирилган иш кўни ҳуқуқини бериш;

- белгиланган меҳнат стажимавжуд бўлган тақдирда аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқини бериш;

- ишловчи аёллар ёши бўйича пенсияга чиққандан кейин, агар улар ўрта ва кичик тиббиёт ходими, провизор, ногирон болалар интернати ва «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячи, шунингдек, кутубхоначи бўлиб ишлайдиган аёллар, пенсияга чиқишдан аввал мазкур соҳа бўйича камда 10 йил иш стажига эга бўлсалар, тўла ҳажмда пенсия олиш ҳуқуқини соқлаб қолиш;

аёлларнинг меҳнатларини муносаб қадирлаш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, адабиёт ва сонъатдаги буюк хизматлари учун «Надирабегим» номли, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик соҳасидаги буюк хизматлари учун «Гўлбаданбегим» номли, ёш истеъдодли шоирлар учун «Зулфияхоним» номли мукофотларни таъсис этиш;

- «Ўзбек аёли», «Аёл маънавияти», «Сен муқаддасан, аёл» ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, очерклар, мақолалар, бадий асарлар, ҳужжатли фильмлар яратиш каби масалалар ҳам ўрин олган.

Бундан ташқари, жамоатчилик ўз-ўзини бошқариш, сиёсий ўзликни англаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводини ошириш ва уларнинг барча даражадаги ҳокимият вакиллик органлари сайловларида фаол иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам дастурнинг асосий мақсадларидан биридир.

Давлат дастурини белгиланган имтиёзлардан ташқари кўнгина туман, шаҳар ҳокимликлари ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўзларининг қарорлари билан хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бермоқдалар. Жиззах вилояти

Дўстлик тумани ҳоқимлиги хотин-қизлар кўмитаси аъзолари га туман ичида жамоат транспортда текин юриш ҳуқуқини тоғрганлиги фикримиз далилидир.

- Республикаимиз ҳуқуқий-демократик жамияти куриш сари жадал одимламоқда. Аёлларимизнинг ҳуқуқий савияси қай даражада?

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда махсус тадбирлар белгиланган. Барча вилоятларда «Аёл ва жамият» институти билан ҳамкорликда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида туркум семинарлар ўтказилди, маҳаллаларда, ўқув юртларида, хотин-қизлар кўпчиликини ташкил этувчи ташкилот ва корхоналарда учрашувлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Аммо, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий билим ва маданияти

ликлар ва моддий ёрдам ажратиб, нафақаларни ўз вақтида ололмаганлик, ишга жойлаштириш ва ноҳақ ишдан бўшатилганлик, номусга тожовуз қилиш, оилавий келишмовчиликлар, оилавий ажралиш натижасида келиб чиқадиган мол-мулк ва уй-жой низоси каби масалаларди. Айрим ҳолларда эса хотин-қизларимизнинг ҳуқуқлари поймол этилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Аёллар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устиворлигини таъминлашда хотин-қизлар кўмиталари мутасофиди ташкилотларга яқиндан ёрдам бериш, улар билан ҳамкорлик қилишни ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб билдилар.

Кўмитага келган ариза ва шикоятларнинг 1998 йилги таҳлили шуни кўрсатдики, мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мурожаатларнинг 72 фоизи ижобий ҳал этилган.

- Баъзи вилоят ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти нимагадир сустроқ, Бунга нима сабаб?

Ҳа, дарҳақиқат, баъзи вилоят ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти суст. Уларнинг ижобий

фаолиятини инкор этмаган ҳолда, жойларда кадрлар масаласига алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлайман. Шу боис, жойларда кадрлар масаласига алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлайман. Хотин-қизлар кўмитасига шундай кадрлар келиши керакки, у тиббиётдан ҳам, ҳуқуқшуносликдан ҳам, тадбиркорликдан ҳам, ўқитувчи ва тарбиячиликдан ҳам, саноат ва қишлоқ хўжалигидан ҳам хабардор бўлиши лозим.

- Мана, қундан-қунга жамиятимизда аёлларнинг фаолияти охиб бормоқда. Сиз аёллар учун қайси соҳаларда ишлаш қулай, деб ўйлайсиз?

Аввало, аёлларимиз салоҳиятига назар ташласак, хотин-қизлар урдасидан чиқмаган ишининг ўзи йўқ. Фақ, моданият ва санъат, таълим-тарбия, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўпгина соҳаларда аёлларимиз самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Мен аёлларимизни оналик ва болаликни муҳофизат қилиш, таълим-тарбияга яқин касбларда ишлашни истар эдим. Чунки, бу касблар уларнинг оиладagi вазифаларига ҳамоҳандир.

- Фаолиятингиз жараёнида қўйилган пайтларингизда «афсус, аёл кишиманда» деган вақтларингиз ҳам бўлганми?

«Афсус, аёл кишиманда» деб афсусланмаганман. Сабаби, оиламизда ҳам, жамиятимизда ҳам, ишлаган ишхоналаримизда ҳам аёллар хўрмати устун бўлган. Мен ўйлайманки, мустақил Ўзбекистонимиздагидек, аёлларга бўлган эътибор, ҳурмат, уларнинг муаммоларининг ҳал этиш давлат сиёсати даражасига қўтарилиши бошқа бирор давлатда бўлмаса керак. Бундай шароитда афсусланиш эмас, фахрланиш мумкин.

- Хотин-қизлар Кўмитасига асосан қандай масалалар билан мурожаат қилишмоқда? Сизлар томонингиздан ҳал этилган муаммолар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

Кўмитага келадиган ариза ва шикоятларнинг аксарияти маъмурий-ҳуқуқий, уй-жой масалалари, оиладagi қийинчи-

(Бошланғич 4-бетда).

тарқатиш, ёки бўлмаса, маълумотномалар бериш билангина чекланиб қолмоқда...

Олдиндан айтиб қўяй, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлашни ташкил этиш, 16 ёшгача болали оилаларга ҳамда 2 ёшгача болали оилаларга нафақа тайинлаш, шунингдек, якка-ёлғиз нафақадорларни озик-овқат билан таъминлашни ташкил этиш маҳалла фаолларига жуда катта масъулият юклайди ва ниҳоятда мушкул иш. Бошида мен ҳам нафақаларга ҳужжат қабул қилиш, оилаларнинг моддий ва

да ҳал қилиб бериш лозим. Кимдир оилавий мижозо билан мурожаат этиб келса, боъзон қўни қўнлар орасида келишмовчиликни, ёш оилалардаги ажрашишларни ҳал этишга тўғри келади. Бундан ташқари ободонлаштириш, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш, ёшларимиз тарбияси доимо диққат-эътиборимизда.

- Маҳалла кўмитаси раҳбарлигига шу маҳалла аҳли муносиб, деб топган обрў-эътибори кишилар сайланади. Аммо, баъзи ҳолларда маҳалла раисларининг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишга эътиборини эшитиб қоламиз...

Баъзон ўзим ҳам шундай

аёллар, қайнона-келин муносабатлари масалалари ҳам ҳамиша диққат-эътиборларига.

Суҳбат сўнггида Дилором опа бир нечта фото суратлар билан таништиради. У киши билан бирга суратга тушган 2 нафар қизга кўзим тушиди.

- Қизларингизмиё, - дедим қизлик.

Шундай деса ҳам бўлади, - деди Дилором опа кулимсираб. Сўнг ажабланаётганимни сезиб, қуйдаги воқеани сўзлаб берди:

Бир кун шаҳарда 2 нафар лўли қизнинг тиланчилик қилиб юрганига кўзим тушиб

МАҲАЛЛАНИНГ ОНАСИ



гапларни эшитиб қолсам, ачинаиб кетаман. Халқ сенга ишонч билдирдим, демак, шу ишонччи оқлашга ҳаракат қилиш керак. Берилган бу ишонийтдан оқилонга фойдаланиб, эртага ишдан кетганидан сўнг, ҳурмат билан эсланадиган ишларни қилиб бермоқ керак...

Дилором опа билан узок суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, «Аёллар йили»да бу ки-

қолди. Уларни тўхташиб, «ёш экансизлар, ўқиб бирор касбнинг эгаси бўлсангизлар бўлмайдими?», - дедим. Улар эса: «Қани эди, опажон. Бизни ҳам ўқишгами, ишгами олишса?» - дед жавоб беришди. Улардан бири менга қараб, «Опажон, бизларни қиз қилиб олинг, нима десангиз қиламиз» деса бўладими? Очиги, тўсатдан қилинган бу тақдирдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Ўйлаб-ўйлаб, уларни етлақиб, маҳалламизга олиб келдим. Маҳалла кўмитаси биносининг бир қисмидан хона тўрилаб бердим. Анчагача шу ерда туришди. Сўнг маҳалламизда яшовчи бир киши, «Қизларни бизга беринг, оиламизга аъзо қилиб оламиз» дегандан сўнг рози бўлдим. Ҳозир Дилфуза билан Шабнам (уларнинг исми) ўша хонодоннинг аъзоларидек, тинч, иноқ ҳаёт кечиринмоқда. Менинг ҳузуримга ҳам тез-тез келиб, йўқлаб туришади. Бор гап шу.

Дилором опанинг бундай олижаноблиги таҳсинга лойиқ. Зеро, маҳалла аҳли ҳам у кишини худди ана шу фазилатлари учун ҳурмат қилади, эъзозлайди. Дилором опа қилган яхшилиги билан мактанмайди. «Бор гап шу», деб қўя қолади.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ.

• Тафаккур гулшанидан

АЁЛ - БУЮК СЎЗ

Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.

С.Буффлер.

Аёл - буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужасамлашган.

Н.А.Некрасов.

Эркакларнинг ишончидан кўра аёлларнинг гумони кўпроқ тўғри бўлиб чиқади.

Р.Киплинг.

Севимли аёлнинг ҳаттоки қаҳри ҳам биз бахтли дамларимизда бошқа аёллардан топишимиз маҳол бўлган чексиз жозиба билан тўлиб-тошгандир.

Стендаль.

Ҳамма ерда ва ҳамиша аёл кишининг энг олижаноб фазилати камтарликдир.

Н.М.Карамзин.

Табиат аёлга шундай дейди: урдасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.

П.Бомарше.

Қаерда аёллар, қизлар қаттиққўл, талабчан бўлсалар, ўша ерда ўсмирлар ҳақиқий эркак бўлиб етишадилар.

В.А.Сухомлинский.

Қиз боланинг жамики бойлиги - унинг номузи, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлироқдир.

В.Шекспир.

Суҳбатдош: Мехри БОЛЛИЕВА.

• Қилмиш-қидирмиш

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғулланиш учун барча омилар яратиб қўйилган. Бундай қўлай имкониятлардан оқилна фойдаланиб, ўз сармосини мустақамлаб бораётган, ҳам давлатга, ҳам халққа нафи тегаётган юртошларимиз сони кундан-кун ортиб бормоқда. Ана шундай ҳамюртларимизнинг хайрия-савоб ишларга бош-қош бўлаётганлигини, ободончилик ишларига ўз ҳиссаларини қўшаётганлигини кўрсаткич «халқ бойиса, давлат ҳам бойийди», деган гап нақадар ҳақиқат эканлигига амин бўламиз. Саховатпеша, қўли очик бойларимиз янада кўпайишини, уларнинг сафи янада ортиб боришини истаймиз.

Афсуски, тадбиркорлик нико-би остида давлат ва халқ мулкига чанг солаётган, ишбилармонликни қаллобликка айлантириб юборган кимсалар ҳам йўқ эмас. Ёши бир жойга бориб қолганда кўнгли ишбилармонликни истоган Иброҳим Нарзиев ҳам ана шундайлардан бири бўлиб чиқди.

Оилали, уч нафар фарзанднинг отаси, 59 ёшли И.Нарзиевнинг Навоий туманидаги «Ширин» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини нима мақсадда

нома тузиб, шакар ишлаб чиқариш корхонаси ускуналарини сотиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва 50 та янги ишчи ўрни бунёд этиш ниятида бир йилга 50 фоиз устамаси билан 3 миллион 500 минг сўмлик мақсадли кредит олиб, ҳисоб-китоб рақамига кўчиришга муваффақ бўлади.

Шундан пуллари накерга тикиштириш, қанчасини ҳамёнига солиш режасини тузди. Бўхоро ва Самарқанд вилоят-



директорнинг иштаҳаси кун сайин қарнай бўла бошлайди. «Еб тўймаган - ялаб тўярмади», деганларидек, И.Нарзиев ҳам турли хил қаллобликларни ўйлаб толади. Бу гал у векселлар бўйича «Ўйин» қилади. Қизилтепа туманидаги «Файзулла-Жаббор» хусусий фирмасидан олинган 350 минг сўмлик векселларни фирма ҳисобига кирим қилмасдан,

ўрнига бошқа миқдор ва нархи кўрсатилган ҳужжат (накладной)ни сохталаштириб кириш қилади-да, дарҳол Самарқанд шаҳридаги «Даймонд» фирмасига бериб юборди. Аммо, И. Нарзиев бу ўзининг бахти «операция»си эканлигини билмасди.

Давлатнинг жуда кўп миқдордаги моблагини ўлаштириб юборган И.Нарзиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилади. Терговда унинг борча кирдикорлари ипидан игносигача очиб ташланди.

Навоий вилоят судининг ҳукми билан И. Нарзиев Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган ҳолда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Республика Президентининг 1998 йил 1 декабрдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фаронининг 5-моддаси қўлланилиб, унга ўташ учун 7 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Ётказган моддий зарарлар ундирилмаган бўлди.

Донолардан бири «Хар кимнинг нафси ақлига хизмат қилса, ундай кишига бхт ва давлат юзланади», деган экон. Лекин Иброҳим Нарзиевнинг акли нафсига хизмат қилгани учун бхт у иқбол юз ўғирди, қилмишга яраша жазосини олди.

Илхом ОЧИЛОВ,
Навоий вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари.

• Тадбир

БУТУННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Кеча, 11 май куни Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарбиоти марказининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишнинг ТДЮИнинг ректори, профессор Ҳалимбой Бобоев кириш сўзи билан очиб, ўтган 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни тўғрисида гапирди. Шунингдек, Ҳуқуқий маърифат тарбиоти маркази ҳамда вилоят минтақавий бўлимларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Республика Президенти Ислам Қаримовнинг сўзлаган нутқларидан келиб

чиқадиган вазифалари тўғрисида гапирди. Сўнгра институтода ташкил этилган «Ҳуқуқий маърифат» газетаси ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ» журналини чоп этиш ва шулар орқали ҳуқуқий маърифатни тарғиб этиш хусусида сўз юритилди. Йиғилишда Марказ директори У.Бозоров, Самарқанд вилоят минтақавий бўлим бошлиғи И.Азизов, юридик фанлари доктори Ж.Холмўмин-овлар сўзга чиқдилар.

Чикадиган вазифалари тўғрисида гапирди. Сўнгра институтода ташкил этилган «Ҳуқуқий маърифат» газетаси ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ» журналини чоп этиш ва шулар орқали ҳуқуқий маърифатни тарғиб этиш хусусида сўз юритилди. Йиғилишда Марказ директори У.Бозоров, Самарқанд вилоят минтақавий бўлим бошлиғи И.Азизов, юридик фанлари доктори Ж.Холмўмин-овлар сўзга чиқдилар.

Йўлдош ПАРДА.

• Жиноят жазосиз қолмайди

БОСҚИНЧИЛАР



... Пойтахтдан ҳазиргина келиб тўхтаган «Икарусдан» йўловчилар бирин-кетин туша бошлади. Бу пайтда кун бошган, осмонда энди-энди юлдузлар кўрина бошлагани. Қадрдонни муштоқлик билан қутаётган қора сочли йигит сариқ сочлини кучоқ очиб қаршилади. Сўнг икковлон миҳоз қутаётган қатор тақсилар томон юришди. «Тико» ҳайдовчиси уларни бир зумда айтилган манзилга - шаҳардаги энг нуфузли тунги қаҳвахоналардан бирига келтириб қўйди.

Қора сочли пойтахтлик меҳмонни роса сийлади. Дастурхонни турли хил егуликлар, ранг-баранг шишали ичимликларга тўлдириб ташлади. Иккалови иштаҳа очилиши учун юта-бута қилишди-да, ароқ шишасини бир четга суриб қўйишди. Чунки, келишувга мувофиқ ҳушёр бўлишлари, ҳақиқий зиёфатни «ов»дан сўнг, пойтахтда уюштиришлари лозим эди...

Улар қаҳвахонадан чиқилганда тун ярмидан ўтган, одамлар қатори гўё шаҳар ҳам болишига бош қўйгандек, атроф жим-жит эди. Икковлон бўмбўш кўнадан дадил одимлаб кетишди.

Мана, «объект»га ҳам яқин қолди. Узоқдан кўзга яққол ташланди. Сирасини айтганда, бу ҳовлини Оккўрғонда танимайдиган одам йўқ. Юсуфбойнинг уйи, десангиз, ҳеч иккиланмай кўрсатиб қўйишди.

Икки шарпа атрофи баланд девор билан ўралган ҳовли ёнида тўхтаб, чор-атрофга олазарак разм солишди. Борлиқ суюққа чўмган, тик этган товўш эшитилмасди.

Шарпалардан бири шеригининг кўмаги билан деворга чиқиб олди. Ҳаял ўтмай темир дарвоза очилиб, иккинчи шарпа ҳам ўзини ичкарига урди.

Ширин уйкуда ётган уй эгасининг оғзига латта тикиб, чакқонлик билан қўл-оёғини боғлаб ташлашди. Ақл-ҳўшини йиғишига ўлғурмаган уй эгасининг нақ юраги ёрилаёзди. «Қаршилик қилишининг фойдаси йўқ, пуллар қаерда?» Уй эгаси жавоб беришга ўлғурмасдан бошига қаттиқ зарба тушди. Босқинчилар қўл фанларини ёқиб, уй ичини ағдар-тўнтар қилиб ташлашди. 182 минг сўмлик тилла буомларни, 100 АҚШ долларини қўлга киритгач, жуфтакни ростлаб қолишди.

«Ишнинг миси чиқиб қолмасайди», сариқ сочининг хаёлидан шу фикр ўтаркан, ҳамон юроғи така-пука эди. Узини чапғитиш учун кўчага чиқди. Қароса, ўртоғи Афонин келаяпти. Афо-

нин унч шу атрофдаги «дом»лардан бирида ижарада турган таншининг туғилган кунига тақриф қилди.

Боришса, улфатлар йиғилиб бўлишган, сариқ соч анчадан бўён кўз остига олиб қўйган Наташа ҳам шу ерда экан. Туғилган куни нишонланаётган йигит кайф зўридан ухлаб қолди. Наташани тузогига туширолмайд юрган сариқ соч унинг жингига тегиб, ҳақоратлай бошлади. Бундан Наташанинг жаҳли чиқиб даврани тарқ этди. Сариқ соч шундан кейин ҳам тинч ўтиролмади. У қизининг ортдан бормоқчи бўлди, аммо квартира эгаси эшикни ўша қароса очмайди.

«Гулдай бўла туриб, етмиш ёшли сассиқ чолнинг кучоғида бало бормикан, унга». Сариқ соч бунга чидай олмади. Подъездга чиқиб, билангадаги томлардан бирини лезвия билан кесиб юборди. Атрофга қон отилди. У дод-вой солганча пастга югуриб тушди.

Шовқинни эшитиб, балконга чиққан Наташа сариқ сочининг қўлидан қон отилаётганлигини кўриб, эшикка югурди. Ядрорнинг қўлини маҳкам сиқиб ушлаганча уйига етди.

Уйига кириб келган бегона йигитни кўрган чолнинг газоби тошди. «Бу қайси ўйнашинг эди», дея у Наташани соқидан тортиб, ура кетди. Сариқ соч ҳам қароб турмади. Чолнинг юзига бир мушт туширган эди бўйи боравар қулади. Чол ўрнидан турди-ю, ошхонага югурди. Зум ўтмай қўлидаги пичок билан сариқ сочга ташланди. Йигит чакқонлик билан пичокни тортиб олди-да, чолнинг дуч келган жойига урди. Сўнг қўрқувдан дағ-дағ титраб турган Наташани олиб, уйига йўл олди.

Бу воқеа эса туғилган кунини нишонлашга келганлар қароқчиликка киришиб кетишганди. Уша тунда фуқоро Л.Сигалнинг уйдан баҳаси 152 минг сўмлик «Филипс» телевизор, 54 минг сўмлик «Филипс» видеомагнитофони, чарм куртка, радиотелефон ва бошқа жами 515 минг 400 сўмлик буомлар ўғирлаб кетилади.

Олиб борилган тезкор-теғов ҳаракатлари натижасида Оккўрғон шаҳрида босқинчиликка, Тошкент шаҳрида қаттиқликка қўл урган, муқаддам судланган В.Мальцев ва Р.Холик, фуқаро Л.Сигалнинг мол-мулкени ўморган И.Афонин, Т.Бегашевлар қўлга олинди. Одамларнинг осуда ҳаётига раҳна солиб келган ушбу жиноятчилорнинг барчаси суд ҳукми билан тегишлича жазоланди.

СОБИТ АЛИБОЕВ,
Мирзо Улугбек тумани
прокурорининг ёрдамчиси.

• Бугунинг гапи

ЙИГИТЛИК ҒУРУРИ ҚАЙДА ҚОЛДИ?

Мустақил давлатимизнинг мустақил армиясида юртимизнинг минглаб ёшлари ўз йигитлик бурчларини ўташмоқда. Тинчлигимиз кўриқчилари ўз постларида доимо сергақлар. Шулар бор экан, тунлари уйқумиз осойишта, осмонимиз мусаффо. Шоир айтганидек, «қалъа бут, кўрган саломат».

Кўлимда Сирдарё вилоят прокуратураси идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотнома. Унда айтилишича, вилоят буйича 1998 йил баҳорги ва кузги ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилганига қарамай, мудофаа ишлари бўлиmlари ва чақирув комиссияларига ҳеч қандай сабабсиз келмаган ўсмирларга нисбатан бир неча маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар кўзғатилган.

Жумладан, Мирзабод тумани Наврўз кўрғонида яшовчи 1978 йилда туилган Н.Жумаев туман мудофаа ишлари бўлими чақирув комиссиясига 3 марта таклиф қилинган бўлсада, узрсиз сабабларга кўра келмаган. Шу сабабли туман прокуратури томонидан унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзғатилиб, жарима жазоси кўлланилган.

Ҳудди шундай ҳолатлар Гулистон, Сирдарё, Боёвут туманлари прокуратура идоралари томонидан аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган.

Туман ва шаҳар прокуратура томонидан ҳарбий ва муқобил хизмат ўташдан қасддан бўйин товланган ўсмирларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳам муҳокама қилиниб, 10 та жиноят иши кўзғатилган. Ушбу жиноят ишларининг айримлари судга юборилиб, айбдорлар қонуний жазога тортилганлар.

Жумладан, Сирдарё туманида яшовчи З.Қўлахмедов, К.Махмудов ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товланганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишса-да, баҳорги чақирув пайтида ҳам хизматни ўташдан тақороран бўйин товланганлар.

Бу каби маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. Барчасига ҳам жойлардаги прокуратура идоралари томонидан қонуний жазолар кўлланилган. Бироқ бизни ўйлантирган масала, кейинги вақтда ҳарбий хизматдан бўйин товлаётган ёшларнинг ўраётганидир. Агарда бундан 10-15 йил олдин ушбу ҳолатга дуч келганимизда бошқа қар эди. Ҳозир эса биз мустақил юрда яшяпмиз. Шўқриқим, диёримизда тинчлик, осойишталик ҳўқурмон. Бизнинг энг катта ютуғимиз, неъматимиз ҳам шу. Йигитларимиз ўз ватанимиз сарҳадларида хизмат қилмоқдалар. Шундай экан, айрим йигитларнинг хизматдан бўйин товлашларига нима сабаб бўлаётир?

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтиш жоиз. Ховос тумани Соҳибқор фуқаролар йиғини котиби бўлиб ишлаган З.Эрбеков ҳарбий хизматга чақирилуви Р.Моллаев ҳамда А.Дусебовага оилавий шароити тўғрисидаги ҳужжатларни сохталоштириб берганлиги учун унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, жазога тортилган.

Жойлардаги маъсул лавозимли кишиларки ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб ўтирса, ёшлардан ўпка қилмаса ҳам бўлаверди. Ховос тумани Гўлбахор фуқаролар йиғини котиби бўлиб ишлаган М.Бердиев сохтакорликка ҳаммасидан қолишмас экан. Унинг «камтарона хизмати» А.Ғойибназаровнинг муқобил хизматни ўташига сабаб бўлган. М.Бердиев уни Гўлбахор фуқаролар йиғинида яшайди, деб сохта маълумот берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Жойлардаги чақирув комиссиялари ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Аниқланишича, айрим комиссиялар Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларнинг ижросини етарлича таъминламаган, чақирув комиссияси йиғилишларини расмийлик учунгина ўтказишган.

Биргина вилоят чақирув комиссиясининг йиғилишларида комиссия раиси, Сирдарё вилоят ҳўқимининг ўринбосари С.Жабборов, комиссия аъзолари вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари Т.Аллаёров, вилоят маҳалла хайрия жамғармасининг раиси М.Қурбонбоевлар октябр, ноябр ойларининг бир неча кунларида мавсум қатнашишган. Ҳа, кўриб турганингиздек, маъсул лавозимлардаги ақалларимиз бефарқ бўлган бу масалга жиддийроқ эътибор бериш пайти келмадимикан?

Ортбўшимизнинг ёшлари ишончи бекиёс. Зеро, бу ишонч бугунги кун ёшларини руҳлантириши, ҳаётга янада тереанроқ қарашга ундаши лозим. Айна пайтда, ҳар бир ўсмир, ҳарбий хизматни муқаддас бурч, дея тушуноғи керак. Ана шундагина, бизни ҳеч қандай кўч, ҳеч қандай ташқи таъсирлар енга олмайдн.

Жаҳонгир ШАРОҒБОВ,
«Хуқук» муҳбири.

• Афсус...

«Пул яхши, муҳим нарса, аммо у доим етишмайди, - деб ўйларди у. - Тўғрироғи, пул қанча кўп бўлса, шўнча кам. Уни топиш қийин эмас, йўлини қилса жуда осон бойиб кетиш мумкин. Йўли ҳўқим бор. Фақат азияна қалтис...»

Облоқул Отақулов асли самарқандлик. Гулистонда яшарди. Бир куни унинг қўлига анчагина қалбаки АҚШ доллари «тушиб қолди». Собик милиция ходими (нафақада) эмасми, қоллоси кўргуру ишлаб кетди. Яқин ўртада эмас, четда «иш-лаш» керак, деган хаёл билан Самарқанд туманига келди. Тумандаги Каптархона қишлоғилик Муроджон Аминовга «дардини» айтиди. «Меъзон» билан чқикишиб кетдилар. «Меҳмон» унга 200 АҚШ долларини узатди. Иккаласи Самарқанд шаҳар Ровитан кўчаси 10-ўйда яшовчи Асатулло Қобилова «қўкидан» борлигини ва сотиш кераклигини тушунтириб, қўлига 200 «бакс»ни бердиши.

Иш осон кўчганидан хурсанд бўлган Облоқул Отақулов дарров Самарқандга қайтиб келди. Биринчидан, «ишнинг натижасини билиш, иккинчидан, «клиент»ларни қочирмасдан каттарок «операция» қилиш нияти бор эди. Теъда М.Аминовни топди. М.Аминов А.Қобиловни

«КЎК» КЎКАРТИБ ЮБОРАД

топди. «Меҳмон» яна қалбаки 2400 АҚШ доллари чқориб, Асатуллога берди ва 50 фонизга рози эканлигини таъкидлади.

Муроджон Аминовдан 200, О.Отақуловдан 2400 АҚШ доллари олган Асатулло кўп ўйлади. Бир томондан кўзига жарок-жарок пуллар кўринса, иккинчи томондан панжаралар ваҳми... Охири, «оч қорним, тинч қўлогим» - дея «қўк»ларни кўтариб, ички ишлар идорасига жўнади.

Хуқук-тартибот идораси ходимлари О.Отақуловни Асатуллонинг уйида қўлга олишди. Буни қорангки, тинтув вақтида унинг чўнтагидан яна қалбаки 100 АҚШ доллари ва ўқотар қуролнинг жанговар патрони топилди. Тергов жараёнида О.Отақулов «ўламан саттор, тан олмаيمان», - деб туриб олди. Бирок, борча далиллар унга қарши эди. Ундан топилган 100 «бакс», А.Қобиловнинг аризаси, суд-тиббиёт эксперти-

засининг хулосалари, гувоҳларнинг кўргазмалари, жанговар патрон унинг қасамларидан қўчлироқ чиқди.

Милиция ходими бўлиб ишлаган, фаолияти давомида қонун бузилишларига қарши курашган одамнинг бу қилиғини нима деб баҳолаш мумкин? «Қонунни билмаган одам қонундан кўрмайди», деган гап бор. Облоқул Отақулов қонунни яхши биларди-ку! Шўнинг учун ҳам ҳўшёрлигимни ҳеч ким сезмайди, деганмикин?... Йўқ, Самарқанд бедарвоза эмас экан. Бу ерда ҳали лоқайдлик авж олиб кетмаган экан. О.Отақулов Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг тегишли моддалари билан айбдор, деб топилди ва 7 йил муддатта озодликдан маҳрум қилиниб, мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилди.

Буни «кўра билати туриб, ўз оёғига ўзи болта уриш» дейдилар. Жан оғрийидими-йўқми, қолганини О.Отақулов биллади!

Б.ОБЛОҚУЛОВ,
Самарқанд шаҳар прокуратури ёрдамчиси.

• Ҳар қимми ёмон бўлса...

Спиртли ичимлик инсон тафакқури яратган энг муқддис кашфиёт. Инсоният тарихида бу ичимлик таъсирида бўлган хўнўқ ишларни асрларга, йилларга, ойларга, хатто, кунларга бўлиб қарасангиз ҳам «бас» дегунча мисол топилади. Бу нарса боболаримиз айтганларидек, аввалда юзни зебо қилиб кўнўлга ором бахш этгандек тўюлса-да, сўнг юзни қаҳрабoга, кўнўлни гомбoдага айлантди.

«Оқбодан жононнинг ошиқлари, Қйрай тумани Май қишлоғида яшовчи навқирон йигитлар Аскар Ердесов ва Собит Беримбетовлар ўтган йили 5 октябрда кўчага чиқиб, ўфатчилик қиладилар. Қайфлари ошиб қолиб, арзиманган

«марихуана» гиёванд моддаси бўлиб, уни ўзидан нарикор сақлаш максодида шўндай қилган эди. Бу унинг учинчи жинояти бўлди.

Аскар Ердесов бир ҳафтагича вақт мобайнида қотиллик, товламачилик ва гиёванд моддаларни сақлаш каби учта оғир жиноятни содир этади. Буларнинг ҳаммасининг сабабчиси ичкилик. Бу воқеа кўпчиликка маълум бир ривоятни эъга солади.

Бир таквдор инсонга ишқи тушиб қолган ярамас бир хотин қулай вазият топиб уни уйига киргизиб олади-да, унга «ё мен билан зино қиласан, ё ҳамр ичасан, ё манови гўдакни ўлдирасан. Бўлмаса, ҳозир менинг номусимга

ҒАМ БОДАСИНИ ИЧГАНДИЛАР...

нарсадан тортишиб қолишди. Тортишув муштлашувга, муштлашув қотилликка айланади. Кўз очиб юмгунча дўстларнинг бири марҳум, иккинчиси қотил бўлиб қолди. Қайф ва жўл устида Аскар дўсти Собитнинг бошига тош билан уриб ўлдириб қўйди. Собитнинг нафас олмай қўганини сезган Аскарнинг кўз олдн қоронгулашиб кетди. У даҳшат билан ўзининг муқддис жиноят қилиб қўйганини англади. Қоттик кўргуру натижасида жўдани Хонарик каналига ташлаб юбориб, ўзи қотиллик содир қилган жойдан қочади.

У 1998 йилнинг 4 апрелида судланиб, аҳлоқ тузатиш ишларига тайинланган эди. Шўнинг учун ички ишлар ходимларидан қочиб қўтулиб бўлмаслиги ва жазо муқаррарлигини билган Аскар ҳеч бўлмаса озодликда юриш вақтинн имкон қадар қўзишга ва ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиб қолишга уринди. Шу мақсад билан у 6 октябр куни Черняевка қишлоғига кириб бориб, бозорда савдо қилувчи қариндоши Т.Аҳмедов ва унинг синглиси Гўлнўрни учратди. Улардан товламачилик билан 85000 сўм ва 350000 Қозoқ тангасини олиб, Чирчик шаҳрига қочиб кетди. Бу ҳаракати билан у иккинчи жиноятини ҳам содир этади.

Чиркда эса М.Утешовга қарашли таксини ёллаб, у билан дискотекаларга ва таниш қизларнинг уйига кириб, бемақсад, товаққалига юрaverоғи. Иккинчи кўни машинада юрганидан кейин ҳайдовчи кира ҳақини сўраганида унга сумқасини гаровга бериб, эртасига яна учрашишни айтиди. Ваҳоланки, унинг сумқасидаги жинси шимининг чўнтагида 6.46 грамм

тегмоқчи бўлди, деб ойюҳаннос солиб, эл орасида шарманда қиламан» деб учта шарт қўяди. Ноилож қолган одам: «Зино қилиб этагимни бўлмаёйин, гўдакни нобуд қилиб қўлимини қонга ботирмайин. Шу ҳамрни ичсам ичиб қўя қалай, зора шу билан бу жодугрдан қўтулсам», деб ҳамрни ичди. Ҳамр унинг ақлини заиф қилиб, ҳайвоний ҳирсини кўзгатади. Натижада у зино ҳам қилади, гўдакни ҳам ўлдирди. Аскар ҳам ароқ ичиб, дўстининг ҳаётига зомин бўлди. Қариндошларини олдоб, пулини олиб кетди, гиёванд модда сақлади. Яхшилиқни яхшилиқ тўғдирганидек, ёмонликни ҳам ёмонлик тўғдирар экан. Агар улар ўша кўни меъёридан ортнқ ичмаганларида эди, бу ишлар содир бўлмасди.

Қйрай туман суди ҳўқми билан Аскар Ердесов 18 йилга озодликдан маҳрум этилди. Умрининг гуллагон дoврини сoядо ўсган гўлдeк сарғайиб, панжаралар ордасида ўтказодиган бўлди. Ота-онаси, қавму қариндошларининг боши эгилиб қолди.

Зотан, у шу жазoга лoйик эди. Суднинг ҳўқми одил.

Шу ўринда яна бир нарса борки, у ҳам жиноятга сабаб бўлодиган вoсoтлардан бири - ишсизлик. Бекорчи ҳаётига нима кeлса, ўша ишни қилиб юрaverади. Маҳаллий ҳўқимият воқиллари ёшларнинг иш билан бандлиги ҳақида қўчўрроқ ўйласалар, бу каби жиноятларнинг илдизи кесилишига ҳисса қўшган бўлардилар.

Т.ШУКУРОВ,
Қйрай тумани прокуратурининг катта ёрдамчиси.

ҚАБРАН ҚАЙТГАН УМР

Шокир АХРОРОВ

(Детектив ҳикоя)

- Ё, алҳазар?!
- Қўркманг Эргаш ака, бу мен, Мухторман.

- Ло илоҳа иллоблло, Мухаммадун Расулуллоҳ, Ё алҳазар. Ло илоҳа иллоблло...

Эргаш қоровул шошиб қолди. Тили калимага келмай титрарди:

- Мух... Мухтор. С... санми-сан? Мух...торжон.

- Қабрдан чиқиб келаялман. Қишлоққа бу аҳволда тушолмай, шу ёққа келдим. Қўркманг.

- Ахир сени... сени кеча, халиги, қўлини кўтариб қабристон томонга ишора қилди. - У ёққа...

- Кўмибсизлар, - қулди Мухтор. - Тириклай. Аҳволимни кўринг.

Эргаш қоровул унга бошдан оёқ назор солди. - Мухторми-сан? Ха, ха Мухтор. Қандай қилиб? - у ҳамон кўркүвда эди.

- Бир азобда чиқдим. Умрим бор экан, - деди Мухтор зўрга оёғида турган қоровулга қараб.

Эргаш қоровул қалтираб кўрпача солди-да, Мухторга «Қани ўтир», - деди. Мухтор эғнидаги «кўйлагини» алмаштир-мокчи бўлиб хонага кўз югуртирди.

Хеч қандай қийим кўзига илинмади. Бунни сезган Эргаш қоровул эғнидаги чолонини ечиб, унинг елкасига ташлади.

- Тўшимми, ўнгимми. Ё товба. Бу нима кўргилик. Тирикмисан, болам.

- Ўзим ҳам билмайман, - деди Мухтор маънос оҳангда, - Қандай чиқдим, ҳайронман. Ҳали билан олишдим.

Эргаш қоровул шунча ёшга кириб бунақасини кўрмаганди. Тўғри, бир вақтлар қизик воқеа ҳақида эшитган эди. Бир одам ток уриши натижасида ўлади.

У ҳам қабрда қайта тирилиб қолади. Уч боласи билан қолган хотини эри нариги дунёдан қайт-дан сўнг яна тўртта туғади.

Бу ҳам худди ўшанга ўхшаш бўлди.

- Утакамни ёрдинг, болам, - деди Эргаш қоровул кўзларига ишонмай. - Ҳозир мен чой кўяман. Қорнинг ҳам очгандир.

- Сўраманг. Егулик борми? - Ҳозир, - Эргаш қоровул тоқчадаги қасада турган овқатни Мухторнинг олдига қўйди. - Мана, бунни ичиб ол, қизим келтириб берувди. Кўнглим торт-моди. Иштаҳам йўқ. Насибанг экан.

Тановул пайтида Эргаш қоровул Мухторга қайта-қайта қараб, тушимми, ўнгимми, дерди ўзига.

- Энди нима қилмоқчисан? - қизикди Эргаш қоровул. - Ё

ўйинга бориб, ўзим айтайми? - Билмайман, - елка қисди Мухтор.

Эргаш қоровул унга чой узатди:

- Ма, ич. Иссиқ чой. Баданинг ҳам музлаб кетгандир. Мухтор пиёлада чойни олиб ҳўллади.

- Унда сен шу ерда ўтириб тур. Мен қишлоққа тушиб келай. Отанга айтиб, қийим-бош олиб келаман. Ахир, бу аҳволда қандай уйга борасан.

- Уйга бормайман.

- Ие, - ҳайрон бўлди Эргаш қоровул.

- Шунақа. Майли, сиз бориб келинг. Фақат бир илтимосим бор. Менинг тириклигимни ҳеч кимга айтмайсиз. Бу ердан кетаман.


- Бу нима деганинг, - ҳайрон бўлди Эргаш қоровул. - Отан-чи? Отанг нима бўлади? Ахир, озмунча гам чекиб ўтирибдими уйда. Ундай қилма, болам.

- Қўяверинг, - деди Мухтор бу гапларга эътибор ҳам бермай. - Менга суиқасд қилишди. Мен қасдан ўлдирилганман.

- Ё товба, - ёқасини ушлади Эргаш қоровул. - Кимнинг сенда қасди бор экан?..

(Бошланғичи ўтган сонларда, Давоми бор).

KROSSWORD



Соат мили йўналишида: 1. Қандларнинг «хўрози». 2. Қийимнинг «моласи». 3. Ичида турсанг тикка, олиб чиқар юксакка. 4. Катта қутти, кўзи бор, ҳам томоша сўзи бор. 5. Юлдузларнинг «туғруқхонаси». 6. Тўпироққа текилиб тарихини тиклайдиган мутахассис. 7. Самовий кенглик. 8. Олимпиларнинг «ақаэси». 9. Чиройли ёзиш санъати. 10. Ҳафтанинг биринчи куни. 11. Қўйсанг юз қулоч, йиғсанг бир қулоч. 12. Тузли сув. 13. «Бурғали министр». 14. Бир хил маҳсулот чиқарувчи қорхоналарнинг пойгаси. 15. Қандолатчилик маҳсулоти. 16. Ижтимоий тараққиёт жараёнида юзага келган воқелик. 17. Ҳам бел, ҳам курак. 18. Тўсатдан юз берадиган, лекин ташвишларни кўпайтирадиган ўзгариш. 19. Санъатни ўрганувчи мутахассис. 20. Катта спорт даргоҳи. 21. Қўшиқнинг тақрорланадиган қисми. 22. «Тили» бор хат. 23. Оғирлик ўлчаш асбоби. 24. Отқорнап. 25. Қилган хизматларни тақдирлаш. 26. Ҳажвий радиожурнал. 27. Физиканинг жисмлар харакатини ўрганувчи бўлими. 28. Кишилар ёки нарсалар ўртасидаги ўзаро муносабат. 29. Бир чуқурда минг чуқур. 30. Уйнашсанг, ҳар боб билан уради. 31. Бир нарсга ясаб, ишлаб бериш ҳақидаги топиширик. 32. Одамнинг нерв системаси. 33. Океан ортидаги мамлакат. 34. Манзилнинг охири. 35. Ис... уч 36. Имтиёзли ўрта ёки олиқ ўқув юрти. 37. Қарам-қарши маъноли сўзлар. 38. Тошкент шаҳри ўртасидан оқиб ўтувчи канал. 39. Илгари «тасниф», «тизим» ўрнида қўлланилган сўз. 40. Қимматбахо қоғоз. 41. Гузаллик. 42. Қишлоқ ўртасидаги бепоён сув ҳавзаси. 43. Йиғин, мажлис. 44. Ҳуқуқшунос мутахассис. 45. Уйда осилган бир ноқ, уйни-да қилар обод. 46. Тирик организмларнинг тузилиш тўғрисидаги фан. 47. Жони йўқ, урса ййғайди. 48. ...нинг боласидан булбұл чиқмайди. 49. Тез эрийдиган металл. 50. Иигитларга бериладиган нисбат. 51. Оддий эмас. 52. Усимликлар дунёсига мансуб жуда майда организм. 53. Бирор шоир газалига бастолган шеър. 54. Хат-саводли одам. 55. Чияноқдан олинладиган қимматбахо тош, садаф. 56. Халқпарвар. 57. Бирор нарсани игга боғлаб сувга ташлаб оқишиш ўйини. 58. Тўтунчи ҳам даво ўсимлиги. 59. Бировнинг нарсага... 60. Ўшмоқ курси. 61. Дилдаги мақсад. 62. Ёзинг охириги ой.

Тузувчи: ИЛМОН ЗОЙИРОВ.

12 МАЙ - ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ

Сиз суратда кўриб тураётган оқ ҳалат соҳибалари ҳам ушбу санани байрам сифатида нишонлайдилар. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу сана байрам сифатида шу йил 100 - мартаба нишонланади. Унга Италияда яшаб ўтган шафқат ҳамшираси Флоренция Нюасибург асос солган эди.



А. МАМАТКУЛОВ суратлари.



• Спорт

ДОВРУФИ ОКЕАН ОШДИ

Ўзбекистонда теннис оммавий спорт турларидан бирига айланиб бормоқда. Кўплаб нуфусли халқаро мусобақаларда профессионал теннисчилар сафида Ватанимиз шарафини химоя қилаётган йигитларимизнинг муваффақиятлари ҳақида кўп ёзганмиз. Бугун эса теннисчи аёлларимизнинг ҳам доврўфи океан ошди. Ўзбек теннисининг қолдиргочларидан бири Ирода Тулаганова учта халқаро турнирдан катта ғалабалар билан қайтди.

Япония очик чемпионатида Ирода исмига монанд ўйин кўрсатди. Финал учрашувиде у рақибини 6/3, 6/2 ҳисобида мағлуб этиб, голибликни қўлга киритди.

Кунчиқар мамлакатининг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионати эса Ирода учун жиддий синов бўлди. 64 нафар теннисчи қизлар иштирок этган бу мусобақода ҳам биринчи ўринни эгаллади. Ва ниҳоят, Сеул шаҳрида ташкил этилган турнирнинг бош соврини ҳам Иродага насиб этди. Олдinda эса уни янада масъулятли мусобақалар қутмоқда.

Газетанинг ўтган сониде берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1. Адолат. 3. Кураш. 7. Ага. 9. Ҳўтов. 10. Партия. 11. Пеле. 12. КИА. 14. Ун. 15. Лама. 19. Чўртан. 21. Қон. 22. Илж. 24. Радио. 26. Флот. 27. Ит. 28. Амир. 31. Террор. 33. Наган. 34. Ижро. 36. Беҳи. 37. Ладога. 38. Абай. 40. Исм. 41. Арман. 43. Ифтор. 45. Уят. 46. Ижара. 48. Марс. 50. Урга. 51. Танк. 52. Пот. 53. Шина. 54. Арж. 56. Ер. 59. Айрон. 61. Аборт. 62. Нур. 64. Монархия. 66. Нарх. 68. Баида. 69. Кўз. 70. Масал. 71. Ирқ. 72. «Сони».

Бўйига: 2. Латент. 3. Капалак. 4. Рур. 5. Шоир. 6. Ок. 8. Алаг. 13. Бино. 14. Унитар. 16. Мартен. 17. Нонб. 20. Референдум. 23. Илжн. 25. Чотқол. 29. Аргресся. 30. Анжир. 34. Онегин. 35. Робот. 39. Сианглин. 41. Аллгоге. 42. Акр. 44. Она. 45. Успор. 47. Арпа. 48. «Мираж». 49. Акт. 55. Қонун. 57. Райхон. 58. Ариза. 60. Арена. 61. Афина. 63. Ардус. 65. Рўза. 67. Бўри. 68. Бар.

• Бир чимдим қулғу

Кекса адвокатга адвокат ўғли:
- Додо, Сиз йиғирма йилдан буён ҳал қилолмай келган бир даввогарнинг аризониси мен бир қундо ҳал қилдим!
- Чакки қилсан. Мен ўша аризачининг орқасидан йиғирма йил Сизларни боқиб келган эдим!

...
Синглисини ургани учун акаси қувё болони роса қалтақлапти. Аммо, эр-хотин шу кунёёқ ярашиб олишди. Кечаси хотин эрининг орқасини силаса эр инграб юборилти:
- Войлод, белмимни ушлама!
- Вой, нима бўлди?
- Белимга аканг таёқ билан уриб шилиб қўйган!
- Ҳа, урмай қўли синсан-а!

<p>Мустақиллик ҳуқуқ демақдир</p> <p>Хуқуқ</p> <p>ЮРИДИК ГАЗЕТА</p> <p>Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.</p>	<p>ТАЪСИСЧИЛАР:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»-журнали</p> <p>Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яёв Фуломов кўчаси, 66-уй.</p> <p>Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.</p>	<p>Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗЗОКОВ</p> <p>Тахрир хайъати: Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Малс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев.</p> <p>Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Қўчириб босилганда «Хуқуқдан олинганлиги» кўрсатилши шарт.</p>	<p>«Хуқуқ» оригинал макети.</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбаа кондерни босмаҳонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 18297. Буюртма Г-0230. Бичими А-3.</p> <p>Навбатчи: Д.Халлов.</p> <p>1 2 3 4 5 6</p>	<p>Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.</p> <p>Сотувда эркин нарҳда.</p> <p>Босишга топириш вақти: 20.00 Босмаҳонага топирилди: 18.18</p>
--	---	---	--	---